Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

O'ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Строитель Узбекистана

№79 (428)
2020 йил 13 октябрь, сешанба

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@umail.uz



# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТОЖИКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИ САЙЛОВДА ҚОЗОНГАН ҒАЛАБАСИ БИЛАН ТАБРИКЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 октябрь куни Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Тожикистон етакчисини куни кеча бўлиб ўтган Президент сайловидаги ишончли ғалабаси билан табриклаб, унга биродар тожик халқи фаровонлиги ва равнақи йўлидаги фаолиятида катта муваффақиятлар тилади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон – Тожикистон дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Давлат раҳбарлари ўртасида эришилган келишувларни ўз вақтида амалга ошириш, Ҳукуматлараро комиссия қарорларини бажариш ҳамда бўлажак олий даражадаги учрашувлар учун янги кун тартибини ишлаб чиқиш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Минтақавий ҳамкорлик масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Президентлар Қозоғистон Республикаси, Тожикистон Республикаси, Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаси давлат раҳбарларининг Қирғиз Республикасидаги вазият юзасидан қўшма баёноти қабул қилинганини мамнуният билан қайд этдилар.

Мулоқот сўнгида мамлакатларимиз ўртасидаги узоқ муддатли ва кенг кўламли ҳамкорликни ривожлантиришга иккала томоннинг ҳам интилиши қатъий экани таъкидланди.

Суҳбат ҳар доимгидек самимий, очиқ ва дўстона руҳда ўтди.

**ЎзА.**

# ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 октябрь куни интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Илм-фан ва инновацияни ривожлантириш, бу соҳадаги ютуқларни юқори қўшилган қийматли маҳсулотга айлантиришда интеллектуал мулкнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш жуда муҳим. Дунёда товарларнинг бренд қиймати юқори ҳисобланади. Интеллектуал мулк Европада ялпи ички маҳсулотнинг 45 фоизини, Хитойда 12, Россияда 7 фоизни ташкил этади.

Афсуски, мамлакатимиз бу борада дунё бозоридан узоқлашиб кетди. На тегишли идоралар ва на ҳудуд раҳбарлари интеллектуал мулк масаласига эътибор берди. Шу сабабли ихтирочи олим ва ижодкорларимиз хорижга чиқиб кетди. Илмий институтларимиз инновациялар, тармоқлар эса харидоргир ишланма ва брендлар ярата олгани йўқ.

Бўлган тақдирда ҳам аксарият ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари бўйича мурожаатлар илмий ишни тезроқ рўйхатдан ўтказиб олиш мақсадида қилинмоқда. Бу борадаги талаблар ҳам эскириб қолган.

Йиғилишда соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириб, интеллектуал мулк ҳимоясини кучайтириш, ҳар бир идора ва тармоққа илмий ютуқларни олиб кириш масалалари муҳокама қилинди.

Адлия вазирлиги ва Интеллектуал мулк агентлигига барча идоралар ва ҳудудлар, олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот муассасалари билан кенг муҳокама қилиб, соҳани ривожлантиришга қаратилган уч йиллик дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Интеллектуал мулк яратувчиларини рағбатлантириш, патент эгаларини мукофотлаш каби имтиёзлар тизимини жорий қилиш зарурлиги таъкидланди.

Мамлакатимизда йилига 4 минг 500 атрофида интеллектуал мулк объекти, жумладан, 2 мингдан зиёд товар белгилари рўйхатдан ўтади. Мисол учун, Навоий кон-металлургия комбинати сўнгги ўн йилда 35 та ихтирони рўйхатдан ўтказиб, уларнинг 16 тасидан 400 миллиард сўмдан ортиқ иқтисодий самара кўрган. Бу ишланмаларни бошқа давлатларнинг олтин қазиш корхоналарига сотиш бўйича музокаралар олиб борилмоқда.

Лекин бундай ихтиролар хорижда рўйхатдан ўтказиб келинмоқда. Чунки юртимизда қийматни баҳолаш тизими амалда ишламаяпти. Бунинг оқибатида кўплаб ишланмалар тижоратлаштирилмай қолиб кетмоқда.

Шу боис Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти мутахассислари билан баҳоловчилар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш муҳимлиги таъкидланди.

Келгуси йил биринчи чоракда саноат мулки патентлари платформасини яратиб, унга саноат тармоқларидаги интеллектуал мулк объектларини жойлаштириб бориш, вилоятлардаги корхоналар ва олий ўқув юртларининг интеллектуал мулк объектлари базасини яратиш бўйича топшириқлар берилди.

Ўтган йили 400 га яқин ихтиро, 110 та фойдали модел, 170 та саноат намунаси, 36 та селекция ютуғи рўйхатга олинган бўлсада, атиги 43 та илмий ишланма тижоратлаштирилган холос. Шу боис бундай илмий ютуқларнинг «электрон ярмаркаси»ни ташкил этиш лозимлиги таъкидланди.

*(Давоми 2-бетда)*



**Нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиёда ўзининг такрорланмас андозасига эга «Bukhara City» лойиҳаси мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 29-30 март кунлари Бухоро вилоятига амалга оширган ташрифи билан боғлиқ. Мазкур лойиҳани амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 2019 йил 8 июлда «Бухоро шаҳрида «Bukhara City» замонавий ишбилармонлик ва турар жойлар марказини барпо қилишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.**



# КЎҲНА ЗАМИНДА ЗАМОНАВИЙ ЛОЙИҲА

Шундан сўнг Бухоро шаҳрининг Ҳофиз Таниш Бухорий, Зулфия, Қаюм Муртазоев, Иброҳим Мўминов ва Саноатчилар кўчаларига туташ ҳудудларида самарасиз фойдаланилаётган объектлар, бино ва иншоотлар эгаллаган жами 83 гектар майдонда «Bukhara City» мажмуасини барпо қилишга киришилди. Бунда кенг қамровга эга лойиҳа менежери сифатида Туркия Республикасининг «Studio Vertebra» компанияси билан ўзаро тенг манфаатли ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

Мажмуада жойлаштирилаётган объектлар хусусида маълумот берсак, «Bukhara City» концепциясига мувофиқ, лойиҳанинг жами қиймати дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 550 миллион АҚШ долларини ташкил этмоқда. Унда 24,9 гектарда 38 та лотдан иборат турар жой (биринчи ва иккинчи қаватларида тижорат объектлари) биноси, 6,6 гектардан иборат 12 та лотда замонавий меҳмонхоналар, 3 гектар майдонда банк ва офис бинолари, 1,7 гектардан иборат 5 та лотда халқ таълими муассасалари, 5,3 гектарда спорт комплекси, тиббиёт клиникаси, ва бошқа турдаги ижтимоий объектлар (музей, илмий марказ, кутубхона, ёшлар маркази) ўрин олиши белгиланган.

Шунингдек, лойиҳага кўра Бухорода илк бор 1,1 гектар майдонда 32 қаватли бино, 1,7 гектарда экспомарказ ҳамда 1,4 гектарда технопарк қурилиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, 26 лотда 1 810 та хонадонга мўлжалланган турар жой (ер майдони 14,1 гектар) биноси, 5,3 гектар ерда 2 мингдан ортиқ иш ўрни яратилиши кутилаётган муҳташам савдо комплекси, ҳар бири 150 ўринга мўлжалланган замонавий меҳмонхоналар, 80 ўринли мактабгача таълим ташкилоти ва кафе бинолари учун ер майдонлари ажратилган. Ҳозирда америкалик, турк, рус, корейс инвесторлари билан бир қаторда 14 та маҳаллий тадбиркорлик субъектлари ҳудудда ўз лойиҳаларини амалга оширишга киришишган.



Шу билан бир қаторда хитой, белорус, немис, эрон, ҳинд, араб инвесторлари билан ҳам ўзаро манфаатли музокаралар олиб борилмоқда. 1 октябрь ҳолатида «Bukhara City» лойиҳасига тегишли жами 73 та лотнинг 36 таси ёки 49 фоизи тадбиркор инвесторларга сотилган бўлса, қолган ҳудуд ва лотлар бўйича ташкилий ишлар олиб борилмоқда.

«Bukhara City» ҳудудида объектларни қуриш ва улардан фойдаланиш дирекциясида ташкил қилинган тадбирда юқоридаги каби истиқболли лойиҳалар ва уларни амалга оширишда хорижий ишбилармонлар билан бир қаторда маҳаллий тадбиркорлик субъектларининг ўрнини янада кенгайтириш масаласига эътибор қаратилмоқда.

Куни кеча мазкур лойиҳа муҳокамаси бўйича бўлиб ўтган тадбирда мутасадди ташкилот ва идоралар, қурилиш корхоналари раҳбарлари, шаҳар ва туманлардан, шунингдек, Навоий, Қашқадарё, Наманган каби вилоятлардан ташриф буюрган тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, хорижий мутахассис ҳамда сармоядорлар иштирок этишди. Тадбирни вилоят ҳокимининг Туризм ва спортни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ботир Шаҳриёров олиб бориб, мазкур лойиҳанинг айни кундаги аҳамияти, унинг афзалликлари, шунингдек, бу лойиҳа иштирокчиларига берилган солиқ ва божхона имтиёзлари тўғрисида батафсил ахборот берди.

Унда сўз олган дирекция раҳбари Азимжон Пўлатов, «Bukhara City» лойиҳаси қурилишида иштирок этаётган турк архитекторлари Меҳмет Бекташ ва Сердар Четинлар бу ерда тадбиркорлар учун яратилган имкониятлар, қадим шаҳарда туризмни ривожлантириш, чет эл инвестицияларини жалб қилиш истиқболлари хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Мулоқотда тадбиркорлик субъектлари ўзларини қизиқтирган қатор саволларга жавоб олдилар. Тадбир якунида «Г2Б» ҳамда «Б2Б» форматдаги музокаралар олиб борилиб, ўзаро келишувларга эришилди.

**Ўз мухбиримиз.**

Маълумот ва фотолар buxoro.uz дан олинди.

# БЎСТОНЛИҚ жозибадор туристик манзилга айланади

**Маълумотларга кўра, ҳар йили юртдошларимиз чет элда дам олиш учун 1 миллиард 200 миллион АҚШ доллари атрофида маблағ сарфлашмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири Ўзбекистонда барча талабларга жавоб берадиган замонавий туристик мажмуалар сони кам.**

Шу мақсадда кейинги йилларда республикамизнинг барча ҳудудларида, жумладан, Бўстонлиқ туманида ҳам тадбиркорлар маблағи ҳисобига йирик лойиҳалар амалга оширилди. Хусусан, дунё сайёҳлари эътиборига тушган «Амирсой» мажмуаси бир ярим йил ичида қуриб фойдаланишга топширилди. Бу эса ҳудудда йирик ва жозибадор лойиҳаларни амалга ошириш мумкинлигини исботлади.

«Билдирсой-Чимён-Нанай» халқаро курортини ташкил этиш лойиҳаси амалиётга жорий этилмоқда. Унинг концепцияси ва иқтисодий модели Франция компаниялари консорциуми томонидан FASEP фондининг 750 минг евро миқдоридаги грант маблағлари ҳисобига ишлаб чиқилган. Лойиҳанинг умумий қиймати 480 миллион АҚШ доллари. Шундан 280 миллион долларини тўғридан-тўғри инвестициялар ташкил этади. Булардан асосий мақсад ҳудуддаги ер майдонларининг қиймати ва инвестицион жозибадорлигини ошириш орқали тадбиркорликни ривожлантиришдир. Лойиҳа 3 босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқичда Чимён ҳудудида умуммавсумий курорт ташкил этиш кўзда тутилган. Франциянинг 48 миллион евро миқдоридаги имтиёзли кредити эвазига туристик инфратузилмани ривожлантириш, жумладан, осма йўлаклар, чанғи учиш ускуналари ва аттракционлар келтириб ўрнатиш режалаштирилган. Бунинг натижасида тоғ-чанғи туризми оммалашади, маҳаллий ва хорижий сайёҳлар учун замонавий шароитлар яратилади, табдиркорлик ривожланади. Лойиҳанинг биринчи босқичини 2021 йил декабрда ишга тушириш кўзда тутилган.

Лойиҳаларни амалга ошириш орқали давлат-хусусий шериклик асосида тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилади. Хусусан, сайёҳлик ҳудудида эчкичилик, туячилик, асаларичилик кенгайтирилиб, сайёҳларга қўшимча хизматлар таклиф этилади. Бўстонлиқ тумани, хусусан, Чорвоқ сув омбори атрофидаги қишлоқларда янги дам олиш масканлари қурилади. Бу билан шу ерда яшаётган аҳолини иш билан таъминлаш мақсади ҳам кўзланган.

Бугунги кунда туманда бўш турган ва самарасиз фойдаланилаётган объектларни сотиш орқали улар негизида туризм ва хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, 80 га яқин давлат объектларини хусусийлаштириш режалаштирилган. Бу орқали туризм соҳасида давлат иштироки қисқартирилади ва хусусий тадбиркорлик ривожланиб, натижада 15 мингга яқин янги иш ўрни яратилади.

Бўстонлиқ туманида солиқ солиш объектларини ҳисобга олишни соддалаштириш мақсадида «orom.uz» мобил иловаси ва ягона электрон платформаси ишлаб чиқилди. Бу платформа орқали 3 700 дан ортиқ ижарачилар рўйхатга олинди. Бундан ташқари, қўшимча таянч пунктлари ташкил этилиб, 16 мингдан зиёд объект хатловдан ўтказилиши натижасида солиқ тушуми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан деярли 3 бараварга ошган.

Туризм масканини барпо этиш борасида йўл инфратузилмасини ривожлантириш ва таъмирлашга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, автомобиль йўллари таъмирланиб, ерости сувларини қочириш мақсадида дренаж қувурлари ўрнатилди ва 10 километрдан ортиқ пиёдалар йўлакчалари қурилди.

Маълумки, сайёҳлар оқимининг кўпайиши чиқиндиларни оқилона бошқаришни ҳам талаб этади. Ҳисоб-китобларга кўра, Бўстонлиқ туманида кунига ўртача 102 тонна маиший чиқинди ҳосил бўлади. Афсуски, дам олиш маданияти пастлиги туфайли кўпинча йиғиштирилмай, табиат қўйнида ташлаб кетилади.

*(Давоми 2-бетда)*

# ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

– Патент эгаларини тадбиркорлар билан боғлаш керак, – деди Президент.

Давлатимиз раҳбари маҳаллий товар белгиларини халқаро рўйхатдан ўтказиш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Бугунги кунда мамлакатимиз саноатининг бор-йўғи 72 та товар белгиси халқаро рўйхатдан ўтказилган. Лекин бу жуда кам. Аслида эса имкониятлар талайгина.

Масалан, Чуст пичоғи, Самарқанд нони, Марғилон адраси, Шеробод анори, Олтиариқ ва Паркент узуми, Хоразм қовуни, Сурхондарё хурмоси каби машҳур брендларни ҳудудий мансублиги бўйича рўйхатдан ўтказиб, халқаро бозорда фаол тарғиб қилиш мумкин.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига маҳаллий брендларнинг халқаро рўйхатдан ўтишини кўпайтириш, уларнинг халқаро бозорга чиқишини қўллаб-қувватлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Юридик университет ҳамда жойлардаги ҳуқуқшунослик факультетларида тадбиркорлар учун интеллектуал мулкни яратиш ва ҳимоя қилиш бўйича ўқувлар ташкил этилиши белгиланди.

Тадбиркорлар маҳсулотларини брендга айлантириш дастури ва электрон майдончасини ишлаб чиқиб, ҳудудларда брендлар ярмаркаси ўтказиш зарурлиги қайд этилди.

– Жаҳон бозорига чиқаётган маҳсулотларимизда Ўзбекистон овози жаранглаши керак, бренди бўлсагина маҳсулотларимиз ташқи бозорларда мустаҳкам ўрин эгаллай олади, – дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Айрим тадбиркорлар халқаро брендлар билан бир хил номни рўйхатдан ўтказиб олгани сабабли хорижий инвестиция келишига тўсиқ бўлаётгани кўрсатиб ўтилиб, бундай ҳолатларни тартибга солиш юзасидан кўрсатма берилди.

Яна бир муаммо – юртимизда санъат ва адабиёт асарларидан муаллифнинг розилигисиз фойдаланиш, ундан даромад олиш ҳолатлари кенг тарқалган.

Мисол учун, Ўзбекистонда рўйхатдан ўтиб, ойлик тўлов ундирадиган онлайн кинотеатрларда 30 мингдан ортиқ кино, сериал, қўшиқ, мультфильмлар жойлаштирилган бўлишига қарамасдан, бундан муаллифлар моддий манфаат кўрмайди.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Интеллектуал мулк агентлигига мамлакатимизда рўйхатга олинган кўнгилочар сайтлар, радио ва телеканалларни ўрганиб, муаллифлар манфаатларини таъминлаш вазифаси қўйилди.

– Интеллектуал мулк ҳимоясини мустаҳкамлай олсак, бу ҳам учинчи Ренессансга ишончли пойдевор бўлади, – деди Президент.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасадди раҳбарлар ахборот берди.

**ЎзА.**

**Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурига асосан Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманида умумий қиймати 24 миллион евро бўлган янги лойиҳа амалга оширилди.**

# Газобетон ишлаб чиқариш кўпаймоқда

Ўзбекистон-Германия-Туркия сармоядорлари иштирокида ўз фаолиятини бошлаган қўшма корхона газобетон блокларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Мазкур корхонага «Ўзчармсаноат» уюшмаси ташкилий ва амалий кўмак кўрсатувчи томон сифатида лойиҳанинг ҳаётга самарали жорий этилишига хизмат қилмоқда.

– Кунига 1 500 куб метр маҳсулот чиқаришга қодир корхонанинг газобетон блоклари авваламбор энергия тежамкорлиги билан аҳамиятлидир, – дейди қўшма корхона таъсисчиси Ҳикмат Раҳматов. – Шунингдек, у бошқа материалларга нисбатан енгиллиги билан афзал. Узоқ масофаларга катта оғир юк автомашиналари орқали етказиш қулай, чунки унга 4-5 баробар кўп маҳсулот юкласа бўлади.

– 130 йиллик тарихи давомида компаниямиз ўз маблағлари эвазига шу каби янги технологияларни ўрнатишга эришди, – дейди «Wehrhahn» компанияси президенти Клаус Бонеманн. – Маҳаллий мутахассисларнинг билимларига қойил қолдим. Компаниямиз бундай мутахассислар билан фахрланади.

Ишлаб чиқариш корхонасини барпо этиш жараёнларида кўплаб ишчи- ходимларнинг бандлиги таъминланди. Келгусида республикамизда яна 4 та худди шундай корхоналарнинг ишга туширилиши мўлжалланган.

# БЎСТОНЛИҚ жозибадор туристик манзилга айланади

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Бу муаммони бартараф этиш, ҳудудни тозалаш тизимини такомиллаштириш мақсадида чиқинди йиғиш пунктлари ва ташувчи техникаларни кўпайтириб, Экоинспекция назоратини йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда. Бунинг натижасида ҳудуд 100 фоиз санитария тозалаш хизматлари билан қамраб олинади. Ташриф буюрувчиларнинг экология ва атроф-муҳит муҳофазаси талабларига риоя этишлари устидан доимий назорат юритилади. Ичимлик суви ва канализация тармоқларини яхшилаш мақсадида йил бошидан буён 7,6 километр ичимлик суви қувури, насос ва сув миноралари қурилди. Келгуси икки йилда 36 километр ичимлик ва 3,5 километр оқава сув қувури, 10 га яқин сув ва канализация иншооти барпо этилиши режалаштирилган. Туманда электр таъминотини яхшилаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Мавжуд электр тармоқларини таъмирлаш билан бирга сув, шамол ва қуёш энергияси манбаларини бунёд этиш, туристик объектлар энергия эҳтиёжининг катта қисмини шулар ҳисобидан таъминлаш борасида ишлаб бошлаб юборилган.

Бўстонлиқ туманида 10 минг ўринга мўлжалланган кўчма дам олиш масканлари ташкил этиш орқали 8 мингга яқин киши иш билан таъминланади. Ҳозир Бўстонлиқ тумани, Юсуфхона қишлоғидаги «Иқтисодчи» дам олиш зонасида жойлашган бўш ер майдонларида сайёҳларга қулайлик яратиш мақсадида 3 қаватли меҳмонхоналар, сайилгоҳлар, аҳоли дам олиш масканларини қуриш бўйича ишлар бошланди.

– Бўстонлиқ – Тошкент – Бўстонлиқ оралиғида йўналишли автобус қатновини йўлга қўйиш вазифаси юклатилган эди, – дейди Тошкент вилояти Туризмни ривожлантириш департаменти директори вазифасини бажарувчиси Искандар Ҳотамов. – Бугунги кунда автобуслар қатнови ҳам йўлга қўйилди. Пойтахтимиздаги Машинасозлар метро бекати – Бўстонлиқ – Юсуфхона қўрғони йўналишида аҳолига хизмат кўрсатиш бошланди. Мақсадимиз туризмни ривожлантиришдаги муҳим омил бўлган транспорт қатновини жаҳон андозаларига мос равишда ташкил этишдан иборат. Шу мақсадда Хитойдан 10 та «Ютонг» русумли автобус сотиб олинди. Автобус замонавий, қулай, барча шароитга эга. Монитор, видеорегистратор, катта ҳажмдаги юкхоналар, совутгич, иссиқ ва совуқ ҳароратли салон, техник қувватлагичлар каби жиҳатлари йўловчилар учун маъқул бўлади, деган ниятдамиз. 55 ўриндиққа эга бўлган автобуснинг учтаси Тошкент – Бўстонлиқ йўналишида хизмат кўрсатишни бошлади. Йўловчилар оқимига қараб автобуслар сонини ошириб борамиз.

Бўстонлиқ туманидаги жозибадор ва манзарали ҳудудларда камида 50 тагача экотуризм масканларини ташкил этиш ишлари олиб борилмоқда. «Чорвоқ» эркин туристик зонаси ҳудудида эса сайёҳлар учун майдончаларни барпо этиш хусусий корхоналар томонидан ишлаб чиқилган намунавий лойиҳалар асосида бажарилиши кўзда тутилган.

**Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,**
**«O‘zbekiston bunyodkori» мухбири.**

# Жиззахда янги маданият масканлари

**Янгиланаётган Жиззах лойиҳаси доирасида янгитдан барпо этилган Жиззах вилояти қўғирчоқ театри фойдаланишга топширилди.**

Жиззах шаҳридаги Ҳамид Олимжон ҳайкали қаршисида янгитдан барпо этилган вилоят қўғирчоқ театрининг очилиш маросимида Маданият вазири Озодбек Назарбеков вилоят ҳокими Эргаш Салиев иштирок этишди.

Маросимда вилоят ҳокими атоқли ўзбек шоири Ҳамид Олимжоннинг янгиланган ҳайкали ва унинг атрофида олиб борилган ободончилик ҳамда олиб борилаётган барча ишлар юқори савияда ташкил этилганини таъкидлади ва жиззахликларни янги маданият масканининг очилиши билан табриклади.

Тадбирда сўзга чиққан Маданият вазири Озодбек Назарбеков Жиззах вилоятида олиб борилаётган ободончилик ишлари хусусида алоҳида таъкидлаб ўтар экан, вилоят ҳокимлигига маданият соҳасида амалга оширилаётган ишлар учун ўз миннатдорчилигини билдирди ва вилоят қўғирчоқ театри жамоасига «Damas» автомашинаси калитини топширди.



Жиззах вилоят қўғирчоқ театри

Вилоят ҳокими Эргаш Салиев театрнинг бунёд этилишида жонбозлик кўрсатган қурувчи ва ходимларга ўз ташаккурини изҳор этиб, вилоят қўғирчоқ театри жамоасига жойларда театр томошаларини ташкил этиш учун автобус совға қилинишини айтиб ўтди.

Очилиш маросимидан сўнг театрнинг 230 кишилик томоша залида болажонлар учун Тошкент шаҳридан ташриф буюрган ижодкорлар томонидан саҳнавий кўриниш қўйиб берилди.

**Жиззах вилоятининг Фориш туманида таъмирдан чиқарилган Маданият марказини фойдаланишга топширишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Озодбек Назарбеков, вилоят, туман мутасадди ташкилотлари раҳбарлари, жамоатчилик, туман аҳолиси, ёшлар иштирок этишди.

– Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида мамлакатимизда маданият соҳасини изчил ривожлантириш борасида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Фориш тумани халқига, айниқса, ёшларимизга хизмат қиладиган ушбу масканнинг очилишини ана шу ишларнинг тасдиғи сифатида қараш мумкин, – деди ўз чиқишида О. Назарбеков.

Маданият маркази қисқа вақт ичида маҳаллий қурувчилар томонидан қайтадан бунёд этилди. Бу ерда ташкил этилган туман тарихини акс эттирувчи музей, кутубхона, гимнастика зали, қўғирчоқ театри ҳамда Президентимиз илгари сурган беш ташаббус ижросини таъминловчи тўгараклар фаолият кўрсатади.

**Ўз мухбиримиз.**


## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

**томонидан 2020 йилда қишлоқ жойларда кўп қаватли уй-жойлар қуриш учун тадбиркорлик субъектларини танлаш юзасидан ўтказилган танлов савдолари натижаларини эълон қилади!**

| № | Лот № | Туман номи | Массив номи | Шу жумладан, Тўрт қаватли кўп хонадонли 2-3 хонали уйлар: сони | хонадон | Беш қаватли кўп хонадонли 2-3 хонали уйлар: сони | хонадон | Етти қаватли кўп хонадонли 2-3 хонали уйлар: сони | хонадон | Ғолиб ташкилот номи | Уйнинг 1 кв метр нархи | Уйнинг жами кв.метри | Уйнинг умумий нархи | Танлов ўтказилган сана |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | 2 | 72 | 10 | 338 | 2 | 84 | | | | | |
| 1. | 1 | Денов | Лочин | | | | | 1 | 42 | «Саодатбону-Азиза Термиз» ХК | 4 294 708 | 2987,60 | 12 830 869 621 | |
| 2. | 2 | Қумқўрғон | Дўстлик | | | 1 | 42 | | | «Гигант-сифат-курувчи» МЧЖ | 4 296 500 | 2465,30 | 10 592 161 450 | |
| 3. | 3 | Қумқўрғон | Дўстлик | | | 1 | 42 | | | «Гигант-сифат-қурувчи» МЧЖ | 4 298 500 | 2465,30 | 10 597 092 050 | |
| 4. | 4 | Ангор | Шарқ гули | | | 1 | 32 | | | «Саноат Пардоз Сервис» МЧЖ | 4 299 024 | 1883,68 | 8 097 985 528 | |
| 5. | 5 | Ангор | Шарқ гули | | | 1 | 32 | | | «Саноат Пардоз Сервис» МЧЖ | 4 299 024 | 1883,68 | 8 097 985 528 | |
| 6. | 6 | Бойсун | Работ | 1 | 36 | | | | | «Нарзи Қушбеги» ХКК | 4 299 000 | 1776,00 | 7 635 024 000 | 2020 йил 7 август |
| 7. | 7 | Бойсун | Работ | 1 | 36 | | | | | «Нарзи Қушбеги» ХКК | 4 299 000 | 1776,00 | 7 635 024 000 | |
| 8. | 8 | Олтинсой | Ипоқ | | | 1 | 30 | | | «Фаррух Эркин ўғли» ХК | 4 298 500 | 1599,55 | 6 875 665 675 | |
| 9. | 9 | Олтинсой | Ипоқ | | | 1 | 30 | | | «ART-BEKZOD QURILISH SERVIS» МЧЖ | 4 295 000 | 1621,43 | 6 964 050 440 | |
| 10. | 12 | Шеробод | Тароқли | | | 1 | 35 | | | «Саодатбону-Азиза Термиз» ХК | 4 238 588 | 2285,80 | 9 688 564 450 | |
| 11. | 13 | Шеробод | Тароқли | | | 1 | 35 | | | «Саодатбону-Азиза Термиз» ХК | 4 238 588 | 2285,80 | 9 688 564 450 | |
| 12. | 14 | Денов | Лочин | | | | | 1 | 42 | «Саодатбону-Азиза Термиз» ХК | 4 294 708,53 | 2987,60 | 12 830 871 204 | |
| 13. | 15 | Сариосиё | Маданкон | | | 1 | 30 | | | «Шаргун Бунёдкор» ИТКК | 4 299 000 | 1949,60 | 8 381 330 400 | 2020 йил 21 сентябрь |
| 14. | 16 | Сариосиё | Маданкон | | | 1 | 30 | | | «ART-BEKZOD QURILISH SERVIS» МЧЖ | 4 298 900 | 1949,60 | 8 381 135 440 | |

## «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали

**оммавий савдоларга таклиф этади!**

«Ўзбекистон почтаси» АЖ Сурхондарё вилояти филиалининг 2020 йил 27 августдаги 42-15/737-сонли буюртманомасига асосан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан дастлабки таклиф баҳосида оммавий савдоларда сотувга қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. **Дастлабки таклиф баҳоси** – 32 000 000 (ўттиз икки миллион) сўм бўлган Олтинсой тумани, Халқабод маҳалласида жойлашган, **умумий ер майдони** – 69,30 квадрат метр бўлган «Корлик» почта алоқа тармоғи «Оқ-олтин» алоқа бўлими биноси.
2. **Дастлабки таклиф баҳоси** – 21 900 000 (йигирма бир миллион тўққиз юз минг) сўм бўлган Музработ тумани, Қумқишлоқ қишлоғида жойлашган, **умумий ер майдони** – 46,61 квадрат метр бўлган Почта алоқа тармоғи пункти биноси.
3. **Дастлабки таклиф баҳоси** – 20 000 000 (йигирма миллион) сўм бўлган Музработ тумани, Гулистон қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони – 43,57 метр бўлган Музработ почта алоқа тармоғи биноси.
4. **Дастлабки таклиф баҳоси** – 25 000 000 (йигирма беш миллион) сўм бўлган Музработ тумани, Шуроб қишлоғи марказида жойлашган, **умумий ер майдони** – 52,0 квадрат метр бўлган «Музработ» почта алоқа тармоғи биноси.
5. **Дастлабки таклиф баҳоси** – 42 900 000 (қирқ икки миллион тўққиз юз минг) сўм бўлган Сариосиё тумани, Шаргун шаҳри, Маъданкон маҳалласи, Шахтёрлар кўчаси, 68-уй 1-хонадонда жойлашган, **умумий ер майдони** – 95,95 квадрат метр бўлган почта биноси.
6. **Дастлабки таклиф баҳоси** – 35 900 000 (ўттиз беш миллион тўққиз юз минг) сўм бўлган Денов шаҳри Ш. Рашидов кўчасида жойлашган, **умумий ер майдони** – 39,05 квадрат метр бўлган ёрдамчи биноси.
7. **Дастлабки таклиф баҳоси** – 25 460 000 (йигирма беш миллион тўрт юз олтмиш минг) сўм бўлган Денов тумани, Ўрта қишлоқ маҳалласида жойлашган, **умумий ер майдони** – 54,59 квадрат метр бўлган «Потос» алоқа бўлими биноси.
8. **Дастлабки таклиф баҳоси** – 86 000 000 (саксон олти миллион) сўм бўлган Денов тумани, Гулистон кўчаси, 26-уй, 1-хонадонда жойлашган, **умумий ер майдони** – 82,54 квадрат метр бўлган «Денов» 6-сон алоқа тармоғи биноси.
9. **Дастлабки таклиф баҳоси** – 30 000 000 (ўттиз миллион) сўм бўлган Денов тумани, Янгиобод-1 маҳалласида жойлашган, **умумий ер майдони** – 52,92 квадрат метр бўлган «Янгиобод» алоқа тармоғи биноси.
10. **Дастлабки таклиф баҳоси** – 101 350 000 (бир юз бир миллион уч юз эллик минг) сўм бўлган Денов шаҳри, Остонақулов кўчасида жойлашган, **умумий ер майдони** – 1 500,0 квадрат метр бўлган Денов тумани почта алоқа тармоғи маъмурий биноси.

Юқоридаги объектларнинг сотилиши юзасидан музокаралар хабарнома матбуотда эълон этилган санадан бошлаб расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16.00 га қадар ўтказилади. Талабгорлардан акцепт аризаларини қабул қилиш дастлабки акцепт аризаси берилган куни, соат 16.00 да тўхтатилади.

Мазкур объектлар бўйича музокараларда иштирок этиш учун бир кунда икки ва ундан ортиқ талабгорлардан акцепт аризалари тақдим этилганда, Сотувчи – мулк эгаси томонидан ўз акцепт аризасида энг юқори нархни энг қисқа муддатда тўлашни таклиф этган талабгорни ғолиб деб топади.

Савдо ғолибларига савдо ўтказилган кундан бошлаб 10 иш куни ичида сотувчи билан ўрнатилган тартибда олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

**Маълумотларни олиш ва акцепт аризаларни топшириш учун манзил:** Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 19-уй. **Телефон:** (76) 223-15-82.

**Электрон почта манзили:** user100@inbox.uz

**Расмий веб сайт:** www.1kms.uz

*Хизматлар лицензияланган.*
*RR-0001-сонли лицензия.*

# БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

## ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

| Т/р | Объект номи | Бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда | Бажариш муддати |
|---|---|---|---|
| 1. | Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Навоий кўчасида жойлашган Бандликка кўмаклашиш маркази ҳудудида ёрдамчи бино қурилиши | 626 722 156 | 90 кун |

**Молиялаштириш манбаси:** Ўзбекистон Республикаси бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан.

| Т/р | Объект номи | Бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда | Бажариш муддати |
|---|---|---|---|
| 1. | Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Навоий кўчасидаги «Маҳалла маркази»да қўшимча хоналар қурилиши | 1 025 627 152 | 120 кун |

**Молиялаштириш манбаси:** маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан.
**Буюртмачи:** Навоий вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.
**Манзили:** Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 63-уй.
**Тел.:** (79) 224-08-81.

## «НАВОИЙСУВҚУРИЛИШИНВЕСТ» ДУК

## ҚАЙТА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

| Т/р | Объектлар номи | Бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда | Бажариш муддати |
|---|---|---|---|
| 1. | Навоий вилояти, Навоий шаҳар ва Кармана тумани ёшлари бандлигини таъминлаш ва суғориладиган ерларга тик қудуқ учун электр тармоғи қурилиши | 504 031 081 | 45 кун |
| 2. | Навоий вилояти, Кармана ва Қизилтепа туманларида фермер хўжаликларининг ерларини томчилатиб суғориш учун электр тармоғи қурилиши | 1 250 905 808 | 2 ой |

**Буюртмачи:** «Навоийсувқурилишинвест» ДУК.
**Манзили:** Навоий шаҳри, Низомий кўчаси, 24-уй.
**Тел.:** (79) 224-15-66, 224-84-11, 224-42-61.
**Молиялаштириш манбаси:** маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан.

**Танлов иштирокчилари қуйидаги талабларга лойиқ бўлишлари лозим:** иш (хизмат) ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

**Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танловда қатнашганда, танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий танлов иштирокчиларига қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади:** таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг танлов таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат) лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

**Танлов иштирокчилари танловда қатнашиш тўғрисидаги таклифлари ва танлов ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан танлов ташкилотчиси Навоий вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин:** Навоий шаҳри, Зарапетян кўчаси, 10-уй.

**Тел.:** (79) 220-50-03.

Тасдиқланган танлов ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олиш мумкин.

Таклифлар танлов ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда танлов эълони махсус ахборот порталида чоп этилган санадан бошлаб таклифларни очиш кунигача қабул қилинади.

Таклифларни очиш муддати тендер махсус ахборот порталида эълон қилинган санадан бошлаб 10 кундан кейин.

## «ZAR AUKSION» МЧЖ

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2020 йил 16 ноябрь куни, соат 10.00 дан бошлаб ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган қуйидаги заргарлик буюмлари (қимматбаҳо металлар ва тошлардан ясалган занжир, узук, билакузук, зирак ва бошқалар) **ООО «GOLD FINANCE BUSINESS»** томонидан аукцион савдоларига қўйилмоқда:

**Тошкент шаҳар Сергели тумани, Сергели 8-«а» мавзеси, 13-уй, 92-хонадонда жойлашган Тошкент шаҳар Сергели тумани 1-сонли давлат нотариал идорасининг 2020 йил 20 мартдаги ижро хати бўйича:**

202001143001973-ижро хатига асосан 6 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 2 790 249,80 сўм.

**2020 йил 15 майдаги ижро хати бўйича:**

202001143002112-ижро хатига асосан 17 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 6 375 736,41 сўм.

**Тошкент шаҳар Сергели тумани, Сергели кўчаси, 3-«а» уйда жойлашган Тошкент шаҳар Сергели тумани хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 2020 йил 7 июлдаги ижро хати бўйича:**

1. 202001957000081-ижро хатига асосан 4 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 3 102 773,09 сўм.
2. 202001957000080-ижро хатига асосан 4 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 991 579,17 сўм.
3. 202001957000078-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 501 664,54 сўм.
4. 202001957000077 -ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 699 816,24 сўм.
5. 202001957000074 -ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 394 237,91 сўм.
6. 202001957000073-ижро хатига асосан 3 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 970 744,28 сўм.
7. 202001957000072-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 713 706,16 сўм.
8. 202001957000069-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 2 401 331,93 сўм.
9. 202001957000067-ижро хатига асосан 4 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 811 010,16 сўм.
10. 202001957000066-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 845 660,44 сўм.
11. 202001957000065-ижро хатига асосан 3 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 4 109 792,58 сўм.
12. 202001957000064-ижро хатига асосан 3 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 519 321,75 сўм.

**2020 йил 10 августдаги ижро хати бўйича:**

1. 20200195700173-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 3 900 361,00 сўм.
2. 20200195700174-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 706 761,20 сўм.
3. 20200195700177-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 567 861,96 сўм.
4. 20200195700178-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 621 329,34 сўм.
5. 20200195700179-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 123 458,92 сўм.
6. 20200195700180-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 401 257,40 сўм.
7. 20200195700181-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 2 859 699,42 сўм.
8. 20200195700182-ижро хатига асосан 3 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 728 885,76 сўм.
9. 20200195700183-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 956 854,36 сўм.

**Заргарлик буюмлари билан ООО «GOLD FINANCE BUSINESS»нинг қуйида кўрсатилган манзилида бевосита танишиш мумкин:** Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Истироҳат боғи кўчаси.

Юқоридаги мулклар 2020 йил 16 ноябрь куни сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари ҳафтанинг ҳар сешанба кунлари, соат 9.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари, соат 9.00 дан 18.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади:** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 13-мавзе, 1-уй, 65-хонадон.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш, аукцион савдоси бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади. Олди-сотди шартномаси тузилишининг чекланган муддати – савдо ўтказилган санадан бошлаб 10 (ўн) кун.

**Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисида»ги келишувни имзолагандан сўнг заргарлик буюмлари бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «ZAR AUKSION» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим:** 2020 8000 9007 9396 0001 АТБ «Турон банк» Юнусобод филиали МФО 01144 СТИР 305 014 967.

**Шунингдек, аукцион савдосида қатнашиш учун қуйида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этишлари керак:**

- **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;
- **жисмоний шахслар** – паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, закалат пули тўлангани ҳақида тўлов ҳужжати.

Ихтиёрий қўшимча хизматлар учун шартнома асосида тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш учун манзил:** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 13-мавзе, 1-уй, 65-хонадон.

**Мурожаат учун тел.:** 71-224-86-67.
**Электрон почта:** zarauction@yandex.ru

*536412 рақамли гувоҳнома.*

## «Regionlararo mulk markazi» МЧЖ

### бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «Ўзбекистон қурилиш материаллари саноати корхоналари» уюшмасининг 2020 йил 25 сентябрдаги 02/05-2992-сонли буюртманомасига асосан Тошкент шаҳар Яккасарой тумани, Тафаккур кўчаси, 68-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 071 WCA бўлган «Спарк» русумли автомашинаси. **Бошланғич баҳоси** – 41 964 000 сўм.
2. 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 767 JEA бўлган «Тойота Прадо» русумли автомашинаси. **Бошланғич баҳоси** – 240 000 000 сўм.

Аукцион савдолари 2020 йил 30 октябрь куни, соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

Аризалар расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2020 йил 29 октябрь куни, соат 16.00 гача.

Автотранспорт воситаси 2020 йил 30 октябрь куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2020 йил 6, 13 ноябрь кунлари, соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** савдо кунидан бир кун аввал.

Савдо ғолибига 5 банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт:** 2260 4000 5052 6588 2001 ХАТБ «DAVR-BANK» Олмазор филилали МФО 01121 СТИР 307 638 956.

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳ. Олимжон кўчаси, 13-«А»уй.

**Тел.:** 93-534-05-00.

*880847 рақамли гувоҳнома.*

## «Regionlararo mulk markazi» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали

### оммавий очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога «Ҳарбий Савдо-Термиз» ДУКга тегишли ва унда сақланаётган 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами бўлмаган «ТИКО» русумли, техник ҳолати таъмирталаб автотранспорт воситаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси** – 6 658 000 сўм.

Аукцион савдоси 2020 йил 13 ноябрь, соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2020 йил 12 ноябрь, соат 18.00 гача.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни амалга ошириш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

**Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «RMM» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 20208000005265882004 ХАБ «Трастбанк» Термиз филиали МФО 01063 СТИР 307 638 956.

**Ариза (талабнома)ларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили:** Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 42-«А» уй.

**Тел.:** (91) 575-43-85.

*880847 рақамли гувоҳнома.*

## «Regionlararo mulk markazi» МЧЖ

### бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «Xumson sanatoriyasi» ДУКнинг 2020 йил 8 октябрдаги 113-сонли буюртманомасига асосан Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, «Хумсон» МФЙ «Xumson sanatoriyasi» ҳудудида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 503 LAA бўлган «Газ-5204» русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 33 392 000 сўм
2. 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 910 BBA бўлган «Эпика» русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 60 194 000 сўм.
3. 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 424 КАА бўлган «УАЗ-469В» русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 18 986 000 сўм.
4. 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 455 КАА бўлган «Damas» русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 26 780 707 сўм.

Аукцион савдолари 2020 йил 10 ноябрь куни, соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

Аризалар расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2020 йил 9 ноябрь куни, соат 16.00 гача.

Автотранспорт воситалари 2020 йил 10 ноябрь куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2020 йил 17, 24 ноябрь кунлари, соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** савдо кунидан бир кун аввал.

Савдо ғолибига 5 банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт:** 2260 4000 5052 6588 2001 ХАТБ «DAVR-BANK» Олмазор филилали МФО 01121 СТИР 307 638 956.

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳ. Олимжон кўчаси, 13-«А»уй.

**Тел.:** 93-534-05-00.

*880847 рақамли гувоҳнома.*

## «Насаф риэлт сервис» МЧЖ

### очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

2020 йил 30 октябрь куни, соат 10.00 дан бошлаб Қарши шаҳри, Амир Темур кўчаси, 74-уйда жойлашган «Насаф риэлт сервис» МЧЖ биносида бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. «Микрокредитбанк» АТБ Янги Нишон филиалига қарашли Нишон тумани, «Юксалиш» МФЙ, Тинчлик қишлоғида жойлашган **умумий фойдали майдони** – 474,63 квадрат метр, **қурилиш майдони** – 318,51 квадрат метр бўлган маъмурий бино. **Бошланғич баҳоси** – 493 325 763 сўм.
2. «Микрокредитбанк» АТБ Муборак филиалига қарашли Муборак тумани, «Тонг» МФЙ, 4-митти туманда жойлашган **умумий фойдали майдони** – 2000,73 квадрат метр, **қурилиш майдони** – 548 квадрат метр бўлган Муборак филиали биноси. **Бошланғич баҳоси** – 1 671 845 670 сўм.

Аукцион савдосида қатнашиш учун буюртманомалар эълон чиққан кундан бошлаб 2020 йил 28 октябрь, соат 18.00 гача ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача «Насаф риэлт сервис» МЧЖ биносида қабул қилинади.

Савдо ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 3 (уч) календарь кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш ва 30 (ўттиз) календарь кун ичида тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган жисмоний ва ҳуқуқий шахслар закалат келишуви тузилганидан кейин бошланғич баҳонинг 5 фоизи миқдорида закалат пулини «Насаф риэлт сервис» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 3003 8650 9001 АИКБ «Ипак йўли» Қарши филиалидаги МФО 01119 СТИР 303 037 805.

**Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган жисмоний ва ҳуқуқий шахслар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:**

– закалат пули тўланганини тасдиқловчи ҳужжат;
– **Ўзбекистон Республикаси фуқаролари** – фуқаролик паспорти, СТИР нусхаси;
– **юридик шахслар** – устав ва гувоҳнома нусхалари.

**Мурожаат учун манзил:** Қарши шаҳри, Амир Темур кўчаси, 74-уй.
**Телефон:** (91) 222-37-15.
**Электрон почта:** Shuhrat682009@mail.ru
**Веб-сайт:** nasaf-nedvijimost.zn.uz

*Хизматлар лицензияланган.*
*RR -0204-сонли лицензия.*

## ПОПРАВКА

В объявлении, опубликованном в газете «O'zbekiston bunyodkori» за №78 (427) от 09.10.2020 года, о проведении тендерных торгов на поставку, установку и шеф-монтаж ЛОС и строительство сетей канализации в Ферганской области, крайний срок подачи предложений заказчику правильно читать**: 9 ноября 2020 года в 11.00**.



**Ислоҳотлар ташаббускори Шавкат Мирзиёев бошчилигида ўтказилаётган изчил ислоҳотлар бугун халқимизни ташаббуслар сари интилишлар қилиш баробарида кечаги кундан кўра, эртага янада яхшироқ яшашга ҳаракатлантираётганининг самараси жойларда бўлаётган туб ўзгаришлар, ободончилик ва бунёдкорликларда яққол кўзга ташланмоқда. Бу жиҳатдан Тошкент шаҳри билан изма-из бораётган пойтахт вилоятида ҳам сўнгги тўрт йил оралиғидаги ишлар асрларга татигуликдир.**

# БИРИНЧИ РАҲБАР

## ишбилармон ва тадбиркор бўлса ҳар қандай муаммога ечим топилади

Ана шу вилоятнинг ҳудудларидан бири Оққўрғон ҳам бошқа кўплаб туманлар қаторида қишлоқ хўжалигига кенг ихтисослашган. Йиллар давомида агросаноат мажмуининг барча бўғинларида юқори натижаларга эришиб, республикамизда танилган, қолаверса, бу ҳудуддан турли соҳалар бўйича бир қанча етук мутахассислар, ҳатто вилоят раҳбарлари ҳам етишиб чиққан бўлса-да, бироқ «Бўзчи белбоққа ёлчимайди» деганларидек, йил якунлари бўйича сарҳисобларда ободонлаштириш, бу жойда яшовчиларга қулай меҳнат шароитларини яратиш, ичимлик суви ҳамда газ билан таъминлаш масалалари хусусида минбарлардан туриб баландпарвоз сўзлар гапириларди-ю, амалда эса уларнинг бирортаси ҳам бажарилмас эди.

Қуруқ ваъдаларни эшитавериб ҳафсаласи пир бўлган, турли йўналишлар бўйича фаолиятини юритишда имкониятлари бўла туриб, қўллаб-қувватловчилар йўқлиги учун одамлар тушкунлик кайфиятида юрар, «Қачон бизнинг туманда ҳам ислоҳотлар қарор топиб, ижтимоий масалалар ечилиб, бунёдкорликлар қилинса-ю, бизлар ҳам бошқалардек фаровон яшасак», деб орзу қилишарди.

Бахтга қарши, мустақилликнинг ўтган йилларида мазкур туманда бир неча бор ҳокимлар ўзгарди. Барчаси келиши билан халқ олдида қоп-қоп ваъдаларни берар, пахта, пилла ва ғалла планини бажаришни талаб қиларди-ю, аммо одамлар учун энг муҳим масала – ижтимоий инфратузилмани шакллантириш, аҳолига қулай шароитлар яратиб беришни хаёлига ҳам келтирмасди. Яқингача ушбу ҳудуддаги қишлоқларни қўяйлиг-у, ҳатто туман марказининг ташландиқ ҳолга келиб қолганини кўрган киши ич-ичидан ачинарди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилоятидаги бунёдкорлик ва бошқа соҳаларда бўлаётган ишлар билан танишиш жараёнида ушбу туманга ҳам ташриф буюриб, зудлик билан жиддий ўзгаришлар қилишга киришиш лозимлигини алоҳида таъкидлаб, замонавий ҳудудлардан бири даражасига келтириш учун қанча маблағ зарур бўлса, ажратиш кераклигини тегишли мутасаддиларга алоҳида топшириқ қилиб берганди.

Президентимизнинг ташрифидан сўнг фуқароларнинг кайфиятлари кескин ўзгарган бўл-




са-да, лекин 2017 йил ҳам охирлаб борар, аҳолининг унгача бўлган даврдаги ҳар томонлама тушкунлиги қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларга таъсир қилмасдан қолмаганди. Шу мавсумда туман ишлаб чиқариш ҳамда маҳсулот етиштириш бўйича вилоятда энг охирги ўринлардан бирига тушиб қолди. Умумий иқтисодий кўрсаткичлар эса бундан ҳам баттар эди.

Шу орада ҳокимиятнинг мажлислар залида Халқ депутатлари туман кенгашининг навбатдан ташқари сессияси чақирилади. Унда барча масалалар батафсил муҳокама қилиниб, собиқ раҳбарнинг иш фаолиятига ҳуқуқий баҳо берилгач, шу ҳудудда туғилиб ўсган, кўплаб ташкилотларда хизмат қилиб, ташаббуслар кўрсатган Фарҳод Омонов ҳоким этиб тайинланади. Йиғилиш тугагач, ҳокимият биносидан чиқиб кетаётган фаоллардан бири:

– Ҳокимларни тайинлашаётганда улар тўғрисида анча-мунча мақтовларни айтишади, ишга киришгандан сўнг эса, барчаси ўзи билганича иш кўради. Кўрамиз, буниси халқ учун нима қила оларкин? «Жўжани кузда санаймиз», деган гап бор, бу ҳам қоп-қоп ваъдаларни бериб, охири эплолмагач, жуфтакни ростлайди, одамларнинг турмуш тарзи эса эски ҳолича қолаверади, – дейди. Шунда бу сўзларни тинглаб келаётганлардан бири, «Покиза–М» фермер хўжалиги раҳбари Абдумалик Каримов:

– Бу фикрингизга қўшилмайман, негаки, фермер хўжалигимни юритиш жараёнида кўплаб ташкилотларда бўлишимга тўғри келади. Янги ҳокимимиз аввал ишлаган идорага ҳам бир неча бор кирганман. У ердаги қурилиш ва ободончилик ишларини кўриб ҳавас қилардим. Унинг шижоати, ишбилармонлиги айрим тепса-тебранмасларга ўхшамайди, яхши ният билан «Қадами қутлуғ келган бўлсин», деб дуо қилинг, – деганда фермер янглишмаганини орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан оққўрғонликлар чин юракдан ҳис қилиб, ўзлари ҳам барча жараёнларда фаол иштирок этадиган бўлишди.

Янги раҳбар дастлабки иш кунини ёш авлод таълим-тарбия олаётган мактаб ва мактабгача таълим ташкилотларидаги ҳолатни ўрганишдан бошлади. Бу жойлардаги аҳвол 20-30 йиллардан буён ўз ҳолига ташлаб қўйилганди. Мутахассисларни тўплаб, қурилиш ҳамда реконструкция қилиш юзасидан замонавий лойиҳаларни тайёрлашга киришилди, ўзи эса унга бош-қош бўлди. Натижада, қисқа давр оралиғида Хонобод маҳалласидаги 38-умумтаълим мактаби ҳамда мактабгача таълим ташкилоти, 100 ўринга мўлжалланган қишлоқ врачлик пункти учун етарлича маблағ ажратилиб, барча шароитларга эга бунёдкорлик ишлари меёърига етказилди.

Ўрганишлар жараёнида кўплаб ёшлар ишсиз юргани аниқлангач, Толовул маҳалласидаги собиқ қурилиш коллежи ўрнида икки минг ўринга мўлжалланган тикув цехини қуришга киришилди. Интилганга толе ёр экан. Айни пайтда мазкур иншоот фойдаланишга топширилгани шарофати билан ўғил-қизлар қисқа курсларда касб-ҳунар ўрганиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишяпти, улар қўлида сайқал топаётган турли хилдаги маҳсулотлар бежирим ва сифатлилиги билан истеъмол бозорини тўлдиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ана шундай саъй-ҳаракатларнинг бардавомлигини Бирлик, Тортувли, Ҳамзаобод, Ҳосилдор, Элтамғали, Қўштамғали маҳаллаларида жойлашган 10, 5, 16, 23, 20, 30, 31, 34-сонли мактаблар ва қишлоқ врачлик пунктларида ҳам кўриш мумкин. Қисқа даврда бундай бунёдкорлик ҳамда ободончилик ишлари ўз-ўзидан бўлмаётганини кўриб турган фуқаролар ўзлари ҳам ҳашарлар уюштириб, айрим ишларга бош қўшишмоқда.



### ЭНДИ БАРЧА ИШЛАР МАҲАЛЛАЛАРДА ҲАЛ ЭТИЛЯПТИ

Йиллар давомида йиғилиб қолган муаммолардан бири, одамларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжи эди. Бу масалада барча ҳудудларнинг оқсоқоллари билан кенгашилиб, уй-жой қуришга мўлжалланган ерлар аниқланди. Шундан сўнг лойиҳа-смета бўйича тендерлар ўтказилди. Дастлаб Султонобод массивида 40 та хонадонга мўлжалланган икки хонали, 32 та хонадонга эса уч хонали, Бирлик массивида 2 та тўрт қаватли 48 та хонадонга мўлжалланган уйлар қурилиб, ўз эгаларига топширилди. Айтиш жоизки, кейинги икки йилда «Фарғона таъмир тараққиёт келажаги», «Комилон Арх қурилиш», «Яшил йўлак», «Водий пар сервис», «Приятив», «Узоқ олтин гулзори», «Шохрўзбек – Ҳалимбек» МЧЖ сингари қурилиш-пудрат ташкилотлари қурувчиларининг меҳнатлари туфайли 120 та турли кўринишдаги замонавий уйлар қурилиб битказилди. Шулар баробарида барча маҳаллаларда гузарлар, маҳалла идоралари ҳам бунёд этилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида туман маркази атрофидаги бир қатор қишлоқларга ичимлик суви тармоқлари тортилган бўлиб, орадан шунча вақт ўтса-да, жўмраклардан қатра сув томмаган эди. Истеъмол учун одамлар сувни дуч келган жойдан ташиб келишарди. Бу масалада ҳам тегишли ташкилотлар билан истиқболли шартномалар тузилди. Айни пайтда нафақат марказдагилар, балки барча қишлоқларда истиқомат қилаётганларнинг ичимлик сув ҳамда табиий газга бўлган эҳтиёжлари юз фоиз қондирилган. «Обод қишлоқ» дастури маҳаллаларни тўлиқ ободонлаштириш, кўчаларни асфальтлаш, умуман, ҳаётбахш ҳужжатда кўрсатилган барча ишларни меъёрига етказишда асосий дастуруламал бўлди.



Давлатимиз раҳбарининг «Қишлоқ жойларда ва фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон уй-жойлар қуришни кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4028-сонли қарорига кўра, «Бирлик» МФЙ ҳудудида 2 та кўп қаватли 48 та хонадонга мўлжалланган уйлар қурилмоқда. Уларга шу йилнинг охиригача эгалари кўчиб кириши режалаштирилган. Шу билан бирга «Қўштамғали» МФЙда темир-бетон конструкцияли боғча биноси, Навбаҳор, Ҳамзаобод маҳаллаларидаги мактабларнинг реконструкция ишлари инвестиция дастури асосида «Фактор глобал бизнес» МЧЖ, «Ертил таъмир» МЧЖ, «ПМК–ПЧС» МЧЖ каби қурилиш ташкилотлари томонидан жадаллик билан олиб борилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, авваллари маҳалла идораси алоҳида ва бу жойларда тинчлик-осойишталикни таъминлашга масъул бўлган профилактика инспекторларининг доимий ишхонаси бир-бирларидан айро жойда жойлашгани учун ҳам фуқароларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш ёки ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш учун биргаликда фаолият кўрсатиш ишлари ўлда-жўлда қолиб келаётганди. Эндиликда янги бунёд этилган маҳалла биноларида профилактика инспекторларига алоҳида хоналар ажратилган. Барча ишлар ҳамкорликда, бамаслаҳат қилинаётгани учун ҳуқуқбузарликлар сони кескин камайишига эришиляпти. Шунингдек, бу жойлардаги шинам кутубхоналар, мажлислар зали ҳам фуқаролар ихтиёрига берилган. Яшовчилар ҳам энди айрим тушунмовчилик ёки ҳуқуқий маслаҳатлар олиш учун туман марказига бориб вақтини кетказмайди. Чунки ҳар қандай муаммога шу жойнинг ўзида ечим топилишига имконият яратилган, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари ҳафтанинг белгиланган бир кунида келиб, аҳоли билан учрашувлар ўтказишади.

Муҳими, оқсоқоллар фаоллар билан ҳамкорликни кенг шакллантира бошлагандан буён маҳаллаларда ёш оилаларнинг ажралиши тўрт йил аввалгига қараганда 34 фоизга камайган. Ёки мунтазам равишда ичкиликка ружу қўйганлар сони ҳам кескин камайиб, уларнинг аксарияти тегишли жойларда даволантирилгач, йўл қўйган хатоликлари учун пушаймон бўлиб, маҳалланинг ёрдами билан ўзига мос ишларга жойлаштириляпти. Бу жиҳатдан айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, улар турли жойларга кетиб қолмаслигининг олдини олишга эътибор кучайтирилган. Шу мақсадда ҳозиргача еттита маҳалла гузарида тикиш-бичиш цехлари, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, техникаларни таъмирлаш устахоналари ва кичик цехлар ишга туширилгани боис, 150 нафар ёшлар доимий иш ўрнига эга бўлишди, уларга меҳнат дафтарчалари юритиляпти. Ёшлар бундан буён турли жойлардан иш қидириб юришмайди, чунки ўз маҳалласида, уйининг олдида кафолатланган доимий юмуши бор.

Одамларга қулай шароитлар яратилгани сабабли туман марказидагилар сингари, қишлоқларда ҳам тадбиркорлик қилиш учун имкониятлар эшиги очилмоқда. Масалан, кейинги икки йилда 250 нафардан ортиқ фуқаролар турли йўналишда ўз фаолиятини бошлашни сўраб тегишли ташкилотларга безнес-режаларини тақдим этишган. Уларнинг иш режалари махсус комиссия томонидан чуқур ўрганиб чиқилгандан сўнг 170 нафарига банклардан имтиёзли кредитлар ажратилишига кўмаклашилди. Ана шу ишбилармон ва тадбиркорлар айниқса, карантин даврида ўзларининг қандай имкониятларга эга эканини кўрсатишди. Барча қоидаларга қатъий амал қилган ҳолда ўндан ортиқ кичик корхоналарда турли хилдаги қурилишбоп маҳсулотлар, ўн бештасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, 40 тасида иссиқхоналар, бошқаларида ҳам ўз йўналиши бўйича истеъмолбоп товарларни ишлаб чиқариш ҳамда етиштириш қатъий шакллантирилгани муносабати туфайли туманда арзонгарчилик мунтазам таъминланмоқда.

### ТАРИХИНИ БИЛМАГАН, КЕЛАЖАГИНИ ҲАМ ЯХШИ АНГЛАМАЙДИ

Айрим тарихчиларнинг айтишларича, Соҳибқирон Амир Темур бобомиз Сирдарё бўйларида юрганида Шарқ томонга узоқ тикилиб қолар, мулозимлардан бири келиб бунинг сабабини сўраганда, «Қаранг, ҳамма ёғи оппоқ тошлар билан қопланган мисли оққўрғон», деган экан. Бу мисолни келтиришимизга сабаб бор. Умумий йиғилишлардан бирида ҳоким ижтимоий масалаларга тўхталаркан, туманнинг тарихи, унинг географияси, қанча аҳоли истиқомат қилиши тўғрисида йиғилиш аҳлидан сўрайди. Бирови у деса, бошқаси бу, деб турли хил фикрлар билдирилади.



«Бу саволни ўртага ташлашимдан мақсад, туманимизда шу пайтгача «Тарих ва ўлкашунослик музейи» ташкил этилмабди. Шундай муҳим ишга сизу биз бош қўшмасак, улғайиб келаётган баркамол авлодга қандай баҳонани рўкач қиламиз» дейди.

Биринчи раҳбарнинг бу мулоҳазаси чиндан ҳам йиғилиш иштирокчиларини ўйлантириб қўйганди. Ҳақиқатдан-да, шу туманда туғилиб, умргузаронлик қилишса-ю, унинг тарихини билишмаса, бу эшитган қулоққа яхши ботмайди. Шу кундан бошлаб мазкур масала доирасида изланишларга киришилди. Ҳафсала бўлса, ҳар қандай мақсадга эришиш мумкин эканини фуқаролар қишлоқлардан, тарихчилар ва кўпни кўрган кишилар орқали тўпланган ҳужжатлардан билишди. Галдаги вазифа, музей биносини қуриш ва бунга сарфланадиган маблағ масаласига қолганди. Бунинг ҳам йўли топилди. Маҳаллий бюджет ҳамда ҳашар йўли билан 5 млрд 600 млн сўм ҳисобига ҳар томонлама талаб даражасидаги кўркам бино бунёд этилди. Ҳозирги кунда бу жой нафақат ёшлар, балки катталарнинг ҳам эътиборини тортган. Беш бўлимдан иборат музей туманнинг ўтмиши ва бугунги кунини барчага ойнадек акс эттириб турибди.

Тумандаги 29 та маҳаллада 100 мингдан ортиқ фуқаролар яшайди. Катталар қатори ёшлар ҳам кундузги меҳнатдан сўнг маданий дам олайлик, дейишса, бундай жойларнинг ўзи йўқлиги туфайли оқшомлари бефайз ва зерикарли ўтар, баъзан кўнгилсиз ҳолатлар ҳам содир этилиб, унинг сабаблари таҳлил қилинганда бекорчиликка бориб тақаларди. Ўйлаб қаралса, шу пайтгача бирорта қишлоқда ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтларини таъминлашга эътибор берилмаган, мактаблардаги тўгаракларнинг бири фаолият кўрсатса, бошқасида зарур шароитлар бўлмаган экан.

Ҳозирги кунда ёшларнинг бекорчиликдан кўча чангитиб юрганини кўрмайсиз. Чунки энди уларнинг бўш вақтлари таъминланган, 3 та мактабнинг спорт заллари замонавийлаштирилиб, ёшлар бу жойларда спортнинг қўл жанги, кураш, каратэ ва бошқа турлари билан шуғулланишади. Бундан ташқари, иккита ҳудудда ҳашарчилар кўмагида қурилган худди шундай спорт заллари ҳам ҳамиша ўғил-қизлар билан гавжум. Туман марказида эса фуқароларнинг ташаббуси билан бунёд этилган Болалар мусиқа мактабида 100 нафардан ортиқ ўқувчилар миллий санъатимизнинг нозик сирларини ўрганишмоқда.

Юқорида қайд этилганидек, одамлар маънавиятини ошириш, уларнинг бу ҳаётдан рози бўлиб яшашларини таъминлаш масаласи туман раҳбари Фарҳод Омоновнинг кундалик иш дастуридан ўрин олган. Бу борада 30 мингдан ортиқ турли мавзудаги китоб жамланмасини ўзида қамраб олган замонавий кутубхона қуриб битказилди. Марказдаги ташландиқ бўлиб ётган каттагина майдонда ҳашар уюштирилиб Истироҳат боғи бунёд этилгани фуқароларнинг йиллар давомида қалбида армон бўлиб келаётган яна бир орзусини ушалтирди. Ҳозир бу жойда маданий ҳордиқ чиқариш учун барча шароитлар яратилгани баробарида, кечки пайтлари санъаткорлар, ёзувчи ва шоирлар, намунали оилаларнинг бошлиқлари билан учрашувлар ўтказилиши анъанага айланган.

Давлатимизда инсон манфаатлари устувор даражага олиб чиқилган. Энди фуқароларимиз ҳам кечаги кун билан яшашмаяпти, ўзини, ўзлигини чуқур англаб етмоқда. Шу боисдан бугун қўл ураётган иши эртага қандай натижа бериши ёки манфаат келтиришининг ҳаддисини олган.

Демоқчимизки, Оққўрғон туманида ҳам кейинги йиллардаги изчил ислоҳотлар туфайли тўпланиб қолган кўплаб муаммолар барҳам топмоқда. «Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди», деб халқимиз бежизга айтмаган. Ўтказилаётган ислоҳотлар самараси бугунги кунда ишлаб чиқариш бўғинларида яққол кўзга ташланмоқда. Мана, уч йилдирки, қишлоқ хўжалиги тармоқларида маҳсулотлар етиштириш бўйича туман вилоятда олдинги сафлардан бирида боряпти. Саноат ва бошқа тармоқларда эришилаётган натижалар ҳам шу жойда яшовчиларнинг ҳалол меҳнати туфайлидир. Бу эса, энг аввало, одамларга яратиб берилаётган шароитлардан, қолаверса, уларнинг Мустақиллик берган имкониятy, бу ҳаётдан рози бўлиб яшаётганликларидан далолатдир.

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
ijtimoiy-iqtisodiy gazeta Строитель Узбекистана

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

**Бош директор – Дилшод Жалолов**

**Таҳрир ҳайъати:**
Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

**Таҳририят:**
Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир ўринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусаҳҳиҳ **Райҳон Таникулова**

**«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:**
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**Таҳририят манзили:**
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:** 71-244-21-71 (қабулхона), 71-244-15-13 (котибият), 71-244-22-10 (бухгалтерия), 71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** uzbunyodkori@umail.uz

**Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:**
**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича:** 90-278-95-87.
**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича:** 97-459-74-85.
**Самарқанд вилояти бўйича:** 95-560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-1053.
2121 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**Корхона манзили:**
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
**Навбатчи муҳаррир** – А. Ҳақбердиев.
**Навбатчи** – Б. Гулямов.
ЎзА якуни – 22.40. Топширилди – 23.30.

1 2 3 4 5 6